



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
TO‘RAQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
F A R M O Y I S H I

To‘raqo‘rg‘on sh. To‘raqo‘rg‘on ko‘chasi 16.

2022 - yil 27 - iyul

42-6-85-F/22

To‘raqo‘rg‘on tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўрақўрғон иссиқлик электр станция қурилиши” инвестиция лойиҳаси доирасида қурилиши якунланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ҳақида” 2022 йил 7 июлдаги 373-F-сонли, шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2022 йил 25 июлдаги 104-6-0-F/22-сонли фармойишлари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тўрақўрғон иссиқлик электр станция қурилиши” инвестиция лойиҳаси доирасида қурилиши якунланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ҳақида” 2022 йил 7 июлдаги 373-F-сонли, шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2022 йил 25 июлдаги 104-6-0-F/22-сонли фармойишлари асос ва амалда ижросини таъминлаш учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойиши билан:

“Тўрақўрғон иссиқлик электр станция қурилиши” инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда – инвестиция лойиҳаси) доирасида қурилиши якунланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича давлат қабул комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Давлат қабул комиссиясига:

Инвестиция лойиҳаси доирасида қурилиши якунланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнини қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари доирасида амалга ошириш;

олти ой муддатда инвестиция лойихаси доирасида қурилиши якунланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш топширилганлиги эътиборга олинсин.

3. Вилоят ҳокимининг мазкур қарори билан:

Вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Султанов, вилоят ҳокимлигининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари котибияти мудири Д.Таджиходжаев, Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Х.Ўринов), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (А.Жалилов), Бандлик бош бошқармасининг Давлат меҳнат инспекцияси (З.Умаров), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Наманган вилояти бошқармаси (М.Торабеков), “Ўзэнергоинспекция” Наманган вилояти ҳудудий бўлими (Ш.Шакиров), “Наманган магистрал электр тармоқлари” филиали (Р.Ибрагимов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июлдаги 373-Ғ-сон фармойиши талаблари асосида иш ташкил этиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Тўраев зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



А.Мансуров